

Davronbek MAKHSUDOV,
Doctor of philosophy (PhD) in history,
associate professor, Scientific researcher of
International Islamic Academy of Uzbekistan
davronbek.m@mail.ru

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МУСУЛМОН ОЛАМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН МУФАССИРЛАР

УЧЕННЫЕ МУСУЛЬМАНСКОГО МИРА ПЕРИОДА ТИМУРИДОВ

MUSLIM WORLD SCIENTISTS OF THE TEMURIDS PERIOD

Калит сўзлар: тафсир, муфассир, ҳанафий мазҳаби, темурийлар, темурий ҳукмдорлари, Амир Темур, мусулмон олами, фикҳ, қози.

Ключевые слова: тафсир, муфассир (комментатор Корана), ханафитский мазҳаб, тимуриды, правители тимуриды, Амир Тимур, ученый, фикх, хадис, кази.

Key words: tafsir, mufassir (commentator of the Quran), Hanafi madhab, Temurids, Temurid rulers, Amir Temur, Muslim world, Islamic law (fiqh), kazi.

Амир Темурнинг маърифат ҳомийси экани, илмни қўлаб-қувватлагани, марказлашган давлат тузиб, бутун салтанатда тинчлик ва тартибни ўрнатгани беҳисоб алломаларнинг етишиб чиқиши, Темур давлатининг ривожланиши ҳамда иккинчи «Шарқ ренессанси» номининг пайдо бўлишига омил бўлди. Буни баҳолар экан, тарихчи Аҳмад Ҳасан Дони айтади: «Чингизхон буюк салтанатнинг асосчиси сифатидагина тарихда ном қолдирган бўлса, Амир Темур ҳали-ҳануз ўз таъсирини ўтказаётган Ўрта Осиё цивилизациясининг асосчисидир» [1; 45 б.].

Амир Темурдан сўнг унинг қилган хайрли ишлари асло тўхтаб қолмади. Унинг авлодлари бу ишларни давом эттирган ҳолда уларни янада ривожлантирди. Соҳибқироннинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзо (ҳукмронлиги 1405–1447 йй.) давлатининг пойтахтини Ҳирот қилиб белгилайди ва унинг даврида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда тинчлик ўрнатади, фаровонлик таъминлаиб, илму фан янада ривож топади. Улуғбек ҳам Самарқандда давлатни бошқарса, ўз обсерватори-

ясида фалакиётни кузатар эди. Ҳиротда эса Бойсунғур, Ҳусайи Бойқаро ва бошқа кўплаб темурий ҳукмдорлар илм-фаннинг ривожига астойдил ҳисса қўшдилар. Таъкидлаш керакки, илм-фан ривожини негизида тафсир илми ҳам тараққий этди. Тафсир билан шуғулланган муфассирлар Қуръонни шарҳлар, оятларда маъно ва мазмунни нақллар ва ақлий илмлар деб ном олган турли илмлар билан очиб берар эдилар. Шу тарзда асрлар оша давом этиб келаётган тафсир илми самарали тарзда давом эттирилди ва ривожлантирилди. Буни XV асрда мусулмон дунёсида яшаб, ижод этган муфассирлар мисолида кўриш мумкин.

– «Ас-Сайид аш-шариф» ва «ас-Сайид ас-санад» номлари билан машҳур бўлган Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ал-Журжоний ал-Астрободий (740–816/1339–1413) ҳижрий 740 йил шаъбон ойида (милодий 1339 й.) Журжонда туғилган. Болалигидан араб тилига иштиёқи баланд бўлган ва ўша даврларда араб тили грамматикасига оид «ал-Вофия шарҳ ал-кофия»га таълиқ (изоҳ) ёзган. Кейинчалик форс тилида наҳв илмига оид, шунингдек, бошқа кўплаб асарлар тасниф этган. Абдулҳай ал-Лакнавий айтадики, уни олимлар ҳанафий дасаларда, аслида у шофий мазҳабадир [2; 155 б.].

Али Журжоний ўз даврининг Мавлоно Муборакшоҳ, мисрлик «ал-Иноя ҳошия ал-Ҳидоя»нинг муаллифи Акмалуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бобартий каби устозлардан шариат илмларини ўрганган. Журжоний тасаввуф илмини Хўжа Алоуддин Аттордан¹ олган. Шогирдлари орасида Фахруддин ал-ажам, ас-Сайид Али ал-Ажамий, Фатҳуллоҳ аш-Шарвиний кабилар мавжуд эди [2; 153–167]. Шерозда дарс бериб юрган кезлари, 1387 йилда Амир Темур бу ерни фатҳ этади ва вазирининг илтимосига кўра, Журжонийни Мовароуннаҳрга олиб кетган. Шу тариқа бошқа машҳур кишилар қатори ушбу олим ҳам Самарқандга келган. Бу ерда у сарой илмий мажлисларида иштирок этар, таълим билан машғул бўлар эди.

Ривоят қилинишича, ўша пайтда Саъдуддин Тафтазоний Амир Темур мажлисларининг тўрида ўтирар, Амир Темур эса, ўз навбатида ас-Сайид аш-шарифни бошқалардан кўра аълороқ кўрарди. Бир куни бу икки олим ўртасида Қуръон тафсири-

¹ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 806/1404 й.) Хожа Нақшбанднинг катта шогирдларидан. Ас-Сайид аш-шариф айтган эди: «Биз Ҳақ субҳонаҳу ва таолони Аттор ал-Бухорийнинг хизматига қирмағунимизча лозим даражада танимас эдик». Ат-таълиқот ас-санийа. – Б. 158.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, барча соҳалар каби илм-фанда ҳам улкан ривожланишлар амалга оширилди. Таъкидлаш керакки, ушбу ривожланиш темурий ҳукмдорлари даврида ҳам давом эттирилди. Илм-фан негизида тафсир илми ҳам ривожландики, буни ўша даврда яшаган муфассирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир нарсга алоҳида урғу бериш керакки, темурийлар жаҳон саҳнасида илм-фан ҳомийлари сифатида чиқдилар, улар улкан кутубхоналар, илмий мажлислар, мадраса ва мактабларга асос солдилар. Шу тарзда мўғулар ҳукмронлиги даврида вайрон бўлган кўплаб илмий муассасалар яна қайтадан тикланди. Натижада мусулмон оламининг турли жойларида ўнлаб муфассирлар фаолият юритди. Улар мусулмонларнинг муқаддас манбаи бўлмиш Қуръони каримни илмий асосда тафсир қилдилар ва одамларга унинг талқинларини етказдилар. Айтиш керакки, бу даврда темурийлар етиб бормаган ерларда ҳам илм-фан гуллаб яшнади. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг ёзган асарлари бутунги кунгача ислом олимлари томонидан қайта-қайта ўрганиб келинмоқда. Мақолада ҳам XV асрда яшаган муфассирлар фаолиятига урғу берилган.

Как только Амир Тимур пришел к власти, он добился большого прогресса как в науке, так и во всех сферах. Следует отметить, что это развитие продолжалось в период правления тимуридов. Наука о тафсире также развивалась на основе этих наук, что можно увидеть на примере муфассиров-комментаторов, живших в то время. Стоит подчеркнуть, что тимуриды вышли на мировую арену как покровители науки и основали большие библиотеки, научные собрания, медресе и школы. Таким образом, многие научные учреждения, разрушенные во времена правления монголов, были восстановлены. В результате, десятки комментаторов работали в разных частях мусульманского мира, и они переводили Коран, а также передавали эти толкование людям. Следует отметить, что и в тех местностях, до которых тимуриды не доходили и правили там, процветала наука. Примечательно, что труды муфассиров неоднократно изучались исламскими учеными. В статье также освещаются работы комментаторов, которые жили в XV веке.

As soon as Amir Timur came to power, he made great progress in all spheres and science as well. It should be noted that this development continued during the reign of the Timurids. During the period of their rule, many world-known scholars in Islamic theology were brought up in Mavarannahr. From this, we can infer that religious sciences, particularly science of tafsir also developed alongside with secular sciences. It is worth emphasizing that the Timurids entered the world history as patrons of science and as rulers who established large libraries, scientific meetings, madrasas and schools. Moreover, many scientific institutions which were destroyed during the reign of the Mongols were restored by Timurids. At that time dozens of commentators worked in different parts of the Muslim world and they translated the Koran and also transmitted this interpretation to people. As the consequence the sciences pertaining to holy Koran and hadith prospered and it proceeded in the next centuries. The article also highlights the work of commentators who lived in the XV century.

га оид «ал-Кашшоф» асаридаги Аллоҳ таолонинг: «Улаика ала ҳудам мир Роббиҳим»² оятида келган табиий ва тамсилий истиоранинг жамланиши ҳақида баҳс кетади. Уларга Нўъмонуддин ал-Хоразмий ал-Мўътазиллий ҳакамлик қилади. Натижада ас-Сайиднинг фикри кўпчиликка маъқулроқ бўлади ва унинг ғолиблиги овозаси барча ерга тарқалади. Тафтазоний мазкур воқеадан кейин бу ерда кўп қололмайди [2; 153-167 б.]. Саройдаги бир илмий мунозарада Тафтазоний ва Журжоний бир оят таҳлили хусусида баҳслашади, натижада Журжоний ғолиб бўлади ва унинг Амир Темур олдидаги мавқеи янада ошади. Мазкур воқеа Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома»сида ҳам эслатилади [3; 139 б.]. Жумладан унда айтилишича, Абулғозий Абдуллоҳон ўз даврининг йирик олимларидан мавлоно Мирзажон Шерозийни Шероздан Бухорога

мударрислик қилиш учун юборади. Лекин Бухородаги олимлар билан унинг ўртасида илмий мубоҳаса бўлмагани ва унинг илмий мақоми билинмагани сабабли шундай илмий мунозара бўлиши кутилаётган эди. Бу ҳолат Абдуллоҳонга маълум қилингач, у олимларни Қуръони каримдаги «Фатҳ» сурасини тайёрлаб, мажлисда бу бўйича мубоҳаса бўлишини айтади. Худди Сайид Шариф Журжоний ва Саъдудин Тафтазоний ўртасида бошқалар аралашмаган ҳолда мунозара бўлгани каби мавлоно Мирзажон ҳам фақатгина баҳсдагиларнинг ўзлари билангина мубоҳаса қилишини ҳамда бошқаларнинг аралашмаслигини айтади.

Ушбу илмий баҳсда ўша даврнинг йирик олимларидан Хожа Хурд Азизон, мавлоно Поянда, Қувомиддин, Мир Охунд, Абу Бакр Сиддиқ авлодидан бўлмиш Хожа Муҳаммад Тоҳир, мулла Темур, Пайғамбар авлодларидан саналган Мир Абдулбоқи, шунингдек, тафсир ва ҳадис илмида етук аллома

² Мазмуни: «Айнан улар Парвардигорлари томонидан (ато этилган) хидоят узра (барқарор)дирлар». Бақара, 5.

Мир Зулфиқор кабилар йиғилган эдилар. Мубоҳаса мавлоно Мирзажон ва Низомиддин амир Садриддин Муҳаммад ўрталарида бўлиб ўтади ҳамда унинг асосий мазмун-моҳияти ҳам “Фатҳ” сурасида келган калималарнинг филологик таҳлили, айниқса Саййид Шариф ва Саъдуddин Тафтазоний ўртасида бўлгани каби истиора устида мунозара қилинади. Муаллиф баҳсининг натижаси ва унда кимнинг ғолибу ва кимнинг мағлуб бўлгани ҳақида ҳеч нарса демайди [3; 138-142 б.].

Демак, мавлоно Мирзажон ва Низомиддин амир Садриддин Муҳаммад ҳам ўз даврининг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги йирик муфассир олимларидан бўлганлар.

Аллома Самарқандда Темур вафот этгунга қадар яшаган. Темурдан кейин у ҳам ўз навбатида Шерозга қайтиб кетган. Ас-Сайид милодий 1413 йил 5 июнь куни (ҳижрий 816 йил ар-рабиъ ал-аввал ойининг 6-си, чоршанба) Шерозда вафот этган.

Олимнинг умумий ҳисобда 50 дан зиёд асарлари мавжуд. Тафсирга оид асарларидан бири «Тафсир аз-заҳровайн» бўлиб, у Қуръони каримнинг дастлабки икки катта сураси – Бақара ва Оли Имронга ёзилган шарҳдир. Бундан ташқари, олимнинг Қуръон шарҳига доир «Ҳошия ала аввал тафсир ал-Кашшоф» («ал-Кашшоф»нинг дастлабки қисмига ҳошия)³ китоби мавжуд. Бу ҳошияга Алоуддин Али ат-Тусий⁴, мазкур икки ҳошияга эса, Мавлоно Ҳасан Чалабий ибн Муҳаммадшоҳ ҳошия битганлар [4; 70 б.]. Шунингдек, «Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий» номли тафсирга ёзилган ҳошия китоби ҳам мавжуд.

– Шиҳобуддин Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Сивосий (ваф. 860/1456) муфассир, наҳв ва мерос илмлари бўйича олим, ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Сивосда туғилиб, шу ерда илм ўрганган. Кейинчалик Туркиянинг Оёслуғ шаҳрига кўчиб ўтиб, шу жойнинг ўзида таълим берган. Унинг қўлёзма ҳолидаги “Уюнут тафосир лил фузалоис Самосир” китоби

мавжуд. “Кашфуз зунун”да ушбу китобдан қуйидаги ҳавола келтирилади: “Олимлар тафсирларни жуда намунали ёзганлар. Лекин талабалар уларнинг баъзиларини қийинчилик билан ўқийдилар. Мен Аллоҳга илтижо қилдим ва ҳар бир англовчи талаба тушуниши осон бўладиган, кенг қамровли, бироқ мухтасар тафсир ёздим” [5; 78 б.].

– Абу Тоҳир Маждуддин Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Муҳаммад аш-Шерозий ал-Фирузободий (729–817/1329–1414) луғат ва адабиёт бўйича етакчи олимлардан. Шерозга яқин бўлган Киарзин ёки Корзин ноҳиясида туғилиб ўсган. Шерозда илм ўрганган, Миср, Шом, Рум, Ҳинд ерларида бўлган. 896 йилда Забид (Яман)га боради ва у ерда подшо Ашраф Исмоил унга катта эҳтиром кўрсатиб, қозиликни тавсия қилади. Шу ерда йигирма йил яшаб, вафот этади. Китоблари орасида “Басоир завит тамйиз фи латоифил Китобил азиз” (“Қуръони азиз лутфлари бўйича асл кишиларнинг қарашлари”, унинг ўттиз жилди чоп этилган), “Тайсир фотиҳатил аноб фи тафсир Фотиҳатил Китоб” (“Фотиҳа сураси тафсири бўйича енгил очиш”, бир жилдлик катта китоб), “ад-Дуррун назимул муршид ила мақосидил Қуръонил азим” (“Қуръони азим мақсадларига тўғри олиб боровчи терилган дур”), “Ҳосил кавратил халос фи фазоил суратил ихлос” (“Ихлос сураси фазилатлари бўйича халос бўлиш ҳосиласи”), “Қутбатул хашшоф лиҳалли хутбатил Кашшоф” (“ал-Кашшофнинг сўзларини ечишда йўл кўрсатувчи қутб”)⁵, олимга нисбат бериладиган “Танвирул миқбос фи тафсир Ибн Аббос” (“Ибн Аббос тафсирида билимларни нурлантириш”, Қоҳирада бир неча бор чоп этилган) кабилар санаб ўтилади [5; 651-652 б.].

– “Ибн ас-Саккок ал-Микносий” номи билан танилган Муҳаммад ибн Абу Ғолиб ибн Аҳмад (ваф. 818/1415) фақиҳ, муфассир, тарихчи олим. У Ибн Халдуннинг дўсти ҳам бўлган. Маринийлар сулосаси (XIII–XV асрларда Мағрибда ҳукмронлик қилган сулола) ҳукмронлиги даврида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) авлодларига катта эътибор берилган. Ибн ас-Саккокнинг уларни ҳурмат қилишларига доир “Насаҳ мулукил ислам бит таъриф бима яжибу алайҳим мин ҳуқуқ Олил байтил киром” [6] (“Улуғ хонадон аҳллари ҳақларини адо этиш шарт бўладиган таърифлардан иборат ислом подшоҳларига насиҳатлар”) номли китоб ёзади.

⁵ “Кашфуз зунун”да айтилишича, олим ушбу китобини иккинчи бор қайта ёзиб, уни “Нуғбатур рашоф мин хутбатил Кашшоф” деб номлаган.

³ ЎЗР ШИ 1:№ 4693 рақами остида Журжоний қаламига мансуб қўлёзма тафсир бўлиб, у «Ҳошия ал-Кашшоф» деб номланган, кўчирилган санаси: 895/1490 й.; 144 vara (144 б – 1 б.); 18х26 см; 23 йўл; лавҳали; арабча; настаълиқ хатида; китобнинг бошидан бир неча vara йўқ.

⁴ Алоуддин Али ат-Тусий (ваф. 887/1483 й.) ўз даврининг улуғ олимларидан илм ўрганган ва аклий ҳамда нақлий билимларни пухта эгаллаб, барча илмларда моҳир бўлган. Рум диёрида яшаган, кейинчалик Тусга, сўнгра Самарқандга келган ва шу ерда вафот этган. Унинг “Ҳавош ала ҳошия тафсир ал-Кашшоф”, “Ҳавош ала ҳошия шарҳ ал-Матоли” каби асарлари мавжуд. Уларнинг барчаси олимлар томонидан яхши қабул қилинган.

– Ибн ал-Марзуқ ал-Ҳафид Муҳаммад ибн Аҳмад (766–842/1365–1438) мағриблик машҳур мутасаввиф, хатиб Муҳаммаднинг набираси саналади. Олимнинг назмий ва насрий услубда ёзилган ўнлаб шарҳ, матн, мухтасар, тадқиқот ва рисоалари мавжуд [7].

– Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Басилий (ваф. 830/1427 й.) моликий мазҳаби фақиҳи, тунислик муфасссир олим. У Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Арафа (ваф. 803/1401)дан 785/1383 йилда сабоқ олишни бошлайди. Тафсир дарси асносида устозининг ёзганларини жамлаб, “Тафсир кабир” номи билан бир шаклга келтиради ва унга айрим қўшимчаларни қўшиб, икки жилдли китоб таълиф этади. Унинг бир нечта нусхалари Работдаги умумий хазинада сақланмоқда. Яна устозидан «Саф» сурасигача ёзилган китобни жамлайди ва унга “Тақйид” деб ном беради. Ушбу “Тақйид”ни машҳур олимлардан Ибн Ғозий ал-Микносий (ваф. 919/1513) тўлдиради ва китоб ҳолига келтиради [5; 71 б.].

– Имоуддин Аҳмад ибн Исмоил ал-Ҳусбоний (749–815/1348–1412) муфасссир олим. Қоҳира, Дамашқда бўлиб кўплаб илмларни ўрганган, ал-Фахр ибн ал-Бухорийнинг шогирдларидан сабоқ олган. “Тафсирул Қуръон” номи катта тафсир ёзган. Уни ал-Балқиний ўқиб, мақтаб тилга олган. Вафот этгач, Дамашқ яқинидаги Қосиюн тоғида дафн этилган [8; 27-28 б.].

– Хожа Порсо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий Мовароуннахрнинг улуғ олимларидан, Нақшбандия тариқатининг машҳур шайхи ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг яқин шогирди. 756/1355 йилда Бухорода туғилган. Порсо (диндор) лақабини унга устози Баҳоуддин Нақшбанд берган. Фикҳ илмини Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ат-Тоҳирийдан, у Садр аш-шариа Убайдуллоҳ ал-Маҳбубийдан, у бобоси Тожуш шариа Маҳмуд ибн Садруш шариа Аҳмаддан, у отасидан, у отаси Жамолуддин Убайдуллоҳдан, у Имом Зода Имоуддин аз-Заранжарийдан, у отаси Бакр аз-Заранжарийдан, у Шамсул аимма ал-Ҳалвоийдан, у Абу Али ан-Насафийдан, у Муҳаммад ибн ал-Фазлдан олган [2; 245-246 б.].

Ривоят қилинишича, Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Порсони юксак қадрлаган ва Ҳижозга кетаётганларида вафот этишидан олдин барча омонатни унга топшириб, ўз ўрнига уни тайин этган.

Хожа Порсо ҳам 822/1420 йилда Мадинада вафот этади. Жума куни Аббос (р.а.)нинг қабри ёнига дафн этилади.

Алломанинг умумий ҳисобда йигирмага яқин асарлари мавжудлиги манбаларда айtilган. Улардан тафсирга оиди «Тафсир-и Қуръон» асари бўлиб, унинг 1:№ 2180 рақами остидаги бир қўлёзма нусхаси ЎЗР ШИДа сақланаётган бўлиб, у муаллиф қаламига мансуб, 3 бети эса, Абдурахмон ал-Жомийга тегишли. Мазкур тафсир «Қадр» сурасидан «Хумаза» сурасигача ёзилган⁶. Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуф пешволаридан бўлгани учун ҳам бошқа асарлари қатори тафсирида ҳам унга эътибор қаратади. Тафсирда 30-поранинг бир нечтагина сураси тафсир қилинганига қувоҳ бўламиз. Булар: “Фотиҳа”, “Қадр”, “Баййина”, “Залзала”, “Адият”, “Қория”, “Такасур”, “Аср” ва “Хумаза” сураларидир.

– Абу Зуръа Аҳмад ибн Абдурахим ал-Ироқий аш-Шофий (762–826/1361–1423) тафсир, ҳадис, фикҳ каби илмлар билимдони. Унинг кўплаб асарлари орасида “Шарҳ Суан Абу Довуд”, “Шарҳул Бухжа фил фикҳ”, “ат-Танбиҳ”, “Ҳошия ала Кашшоф”, “ал-Муҳиммот” сингарилари ҳам мавжуд.

– Ибн Хатибун Носирия Алоуддин Али ибн Муҳаммад ат-Тоий (774–843/1372–1440) мамлуклар ҳукмронлиги даврида яшаган, фикҳ, усулул фикҳ, ҳадис, тафсир соҳаларида етакчи олим саналган. Асли Байт Жибрин (ҳозирги Фаластин)лик бўлган ушбу олим Ҳалабда туғилган. Отаси Шамсуддин Муҳаммад воиз ва тажрибали фақиҳлардан бўлган ҳамда ан-Носирия шаҳри воизи бўлган. Шу сабабли ҳам ўғли Алига отасига нисбатан Ибн Хатибун Носирия, яъни ан-Носирия шаҳри хатиби ва воизининг ўғли деб ном беришган. Али ибн Муҳаммад ўз даврида Қоҳирага бир неча маротаба борган, Триполи ва Ҳалабда қозилик қилган. Асарлари орасида “ат-Тоийибатур роиҳа фи тафсирил фотиҳа” (“Фотиҳа сураси тафсирида хушбўй ҳиддек китоб”), “ад-Дуррул мунтахаб фи такмила тарих Ҳалаб” (“Ҳалаб тарихини мукамал ёритишда танланган дурдек китоб”) ва бошқалари санаб ўтилади [5; 380-381 б.].

– Маҳдум Али ибн Аҳмад ал-Маҳомий (776–835/1374–1432) Ҳиндистондаги ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бири, сўфий олим. Асли араб⁷ бўлган

⁶ Кўчирилган санаси: 815/1412 й.; 237 варак (237 б – 1 б.); 17,5х27,5 см; 21, 25 йўл; форсча-арабча; насх хатида.

⁷ Олим оиласи Қурайш қабиласининг бир бўлаги бўлиб, улар ал-Ҳажжж ибн Юсуфдан кўриб, Мадина шаҳридан чиқиб кетган ва Ҳинд чегараларига келиб шу ерда яшаб қолганлар.

Ҳиндистон жанубидаги Даккан (ҳозирги Мумбай) вилоятидан. Ваҳдатул вужуд эътиқоди тарафдорларидан. У Ҳиндистонда тафсир китобини ёзган дастлабки олимлардан саналади. Асарлари орасида “Табсирур Роҳман ва тайсирул Маннон баъза мо юширу ила эъжозил Куръон” (“Куръон мўъжизалари ишора қилган баъзи нарсаларда Раҳмоннинг кўрсатмалари”), “Рисола фи тафсир Алиф, Лом Мим” (“Алиф, Лам, Мим тафсири бўйича рисола”), “ат-Тафсирур Раҳмоний” (“Раҳмоний тафсир”), “Адиллатут тавҳид” (“Тавҳид далиллари”) кабиларни санаб ўтиш мумкин [5; 353 б.].

Олимнинг мазори кўплаб мусулмонлар томонидан ҳурмат билан зиёрат қилинади.

– Шиҳобуддин Аҳмад ибн Ҳусайн аш-Шофий Ибн Расалон (775–844/1374–1441) сийра, тафсир илмлари олимларидан. Рамла шаҳрида таваллуд топган ва шу ерда улғайиб, Куръонни ёд олган. Отаси савдогар бўлгани учун ҳам бир куни уни савдо қилишга жалб қилади. Ўша куни ўқишга берилиб, савдода камомад қилади. Отаси уни койиганида ўзини тижорат эмас, балки мутолаага салоҳиятли эканини айтади. Отаси унинг таълимга бўлган қизиқишини ҳисобга олиб, Шамсуддин ал-Қалқашандийга шогирд қилиб беради. Муаллифларнинг маълумот беришича, у аксарият илмларда етук даражага етишади. Гоҳ Қуддусда, гоҳ Рамлада илм билан машғул бўлар, олий хуқли, ғайрат-шижоатли, дунё зийнатида берилмаган инсон ҳисобланган. Унинг кўплаб шогирдлари орасида аллома Абул Асбот Аҳмад ар-Рамлий (805–877/1403–1473) кабилар ҳам бор эди.

Асарлари орасида “Шарҳ Сунан Абу Довуд” (ўн бир жилдли), “Шарҳ Жамъ ал-жавомийъ”, “Шарҳ Минҳож ал-Байзовий”, Зайнуддин ал-Ироқийнинг (735–806/1335–1404) “ас-Сийра ан-Набавия” номли назмий асарига шарҳ, Куръон тафсиридан турли парчалар кабилар олимга катта шухрат келтирган. У 844/1441 шаъбон ойида Қуддусда вафот этган [8; 32-34 б.].

Олимнинг камтарлик ва тавозелик ҳақидаги қуйидаги байти кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортган:

Тавозели, камтару, юмшоқ, мулоим бўл,
Токи оғзингдан жавҳардек сўзлар упурсин.
Табиати қуруғу манмансирамаган бўл,
Шунда қабих сўзлардан омон қоларсан.
Қўрмайсанми, экин юмшоқ ерда ўсар,
Қуруқ саҳрода на экину, на мева бўлар.

Бошин шифт томон чўзган ҳар бир кас,
Унга урилиб, майиб бўлади,
Бироқ эгилиб ўтган кишининг,
Боши ҳам, ўзи ҳам омон қолади.

– Яъқуб ибн Усмон ибн Муҳаммад ал-Ғазнавий ач-Чархий тасаввуфнинг атоқли шайхларидан, Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси, Хожа Аҳрор Валийнинг устози бўлган. Милодий 1363 йилда Афғонистоннинг Ғазна шаҳрига қарашли Чарх қишлоғида туғилган. Бухоро, Ҳирот, Мисрда таълим олган. “Рашаҳот”да қуйидагича ёзилади: “Алар Ҳазрати Хожа Бузруг Баҳоуддин қаддасаллоҳу таоло сиррахунинг асҳоби киборларидин турурлар. Ва улуми зоҳирий ва ботинийга олим эрдилар. Ва аслида Чархдин турурларким, Ғазни вилоятининг бир деҳаси турур” [9; 94 б.].

Яъқуб Чархий тасаввуф илмларини эгаллаш мақсадида Бухорога келиб, Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашади ва унинг тасаввуфий фаолиятидан баҳраманд бўлади ҳамда Хожа Баҳоуддиннинг кўрсатмасига биноан Хожа Алоуддин Атторга шогирд тушади. Шу тарзда у нафақат Бухоро, балки Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам ном таратади. Ўзи эса Чағониёнда устози олдида фаолият юритади. Унинг номини эшитган Хожа Аҳрор Валий ҳам унга шогирд тушади. Чархий 851/1447 йилда ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Деновида вафот этган [10; 36 б.]. Умрининг асосий қисмларидан бирини Мовароуннаҳрда ўтказгани ва шу ерда вафот этгани сабабли мазкур бандда ушбу олим зикр қилинди.

Олим «Тафсир-и Чархий» номли тафсир китобини ёзган. Унинг бир неча қўлёзма нусхалари ЎзР ФА ШИДа сақланмоқда [10; 35-41 б.]. Мазкур тафсир форс тилида ёзилган бўлиб, у тасаввуфий тафсирлардан саналади. Чунки муфассир бир томондан Нақшбандий тариқатининг пешволаридан бўлса, яна бир томондан ўша пайтда форс тилида асарлар ёзиш анъана тусини олган эди. Шу сабаб ҳам муаллиф ушбу анъанага мувофиқ, форсий тафсир битади.

“Тафсири Чархий” асари Ўрта Осиёда форс тилида ёзилган илк тафсирлардан бири ҳисобланади. Лекин, ушбу тафсир Куръони каримнинг тўлиқ тафсири бўлмай, балки «Фотиҳа» сураси ҳамда охириги икки порани ўз ичига олади. Тафсирининг бу каби қисқа бўлиши ҳақида муаллифнинг ўзи шундай дейди: “Мендан бир гуруҳ дўстлар, биродарлар “Фотиҳа”га ҳамда “Мулк” сурасидан то китобнинг охиригача катта-кичик фойдалана олишлари учун форс

тилида тафсир ёзиб беришимни илтимос қилдилар” [11; 16]. Шу тариқа тафсир ёзишга киришган Мавлоно Чархий ўз асарида жами 49 та суруни тафсир қилди. Лекин, тафсирнинг ёзилган санаси эса аниқ эмас.

– Бурҳонуддин Иброҳим ибн Мусо аш-Шофий (776–853/1375–1449) шофий мазҳаби олими. Кирк шаҳрида таваллуд топган. Ал-Асқалоний, Бурҳон аш-Шомий, Ҳофиз Зануддин ал-Ироқий каби олимлардан сабоқ олган. “Алфия Ибн Молик”, “Танқиҳ ал-Лубоб” каби асарларга шарҳ, “Тафсир Алоуддин ат-Туркмоний” га ҳошия-изоҳ, “Мухтасар ар-равза” сингари асарлар ёзган.

– Низомуддин ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Қумий ан-Найсобурий (ваф. 850/1446) муфасссир, математик, фалакшунос олим, фақиҳ ва шоир. Асли Қум шаҳридан, Нишопурда туғилган ва шу ерда таълим олган. Кейинчалик илхонийлар сулоласи ҳукмдорларининг пойтахти Табризга кўчиб ўтган. Ўша пайтда Қутбуддин аш-Широзийдан таълим олган ва у билан бирга илмий фаолият олиб борган ҳамда Насируддин ат-Тусий томонидан 1259 йилда асос солинган Мароға расадхонасининг (Озарбайжондаги Мароға шаҳри ёнида) катта олимларидан бири сифатида танилган. Қутбуддин аш-Широзий ўз даврида Носируддин ат-Тусийнинг шогирди ҳам ҳисобланган.

Олим 828/1425 йилда “Тафсир ан-Найсобурий” номи билан машҳур бўлган “Ғароибул Қуръон ва рағоибул Фурқон” (“Қуръон ғароиботлари ва Фурқон рағбатлари”) китобини ёзган [12].

– Муҳйиддин Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Кофижий (788–879/1386–1474) ақлий илмларда етук ҳанафий мазҳаби олими бўлган. У Ибн ал-Ҳожибнинг наҳв илмига оид “ал-Кофия” китобини кўп ўқигани сабабли уни ал-Кофижий деб аташган. Унинг шогирдлари орасида Жалолуддин ас-Суютий ҳам бўлган ва унга бевосита ўн тўрт йил мобайнида таълим берган. Ас-Суютий устози олдига келганида ҳар доим олдин эшитмаган янги билимларни ўрганганлигини таъкидлайди. Бир куни устози унга: “Зайдун қоимун сўзини эъроблантириб бер” дейди. Ас-Суютий ўзингиздан сўраймиз, деган жавобни беради. Шунда устози: “Зайдун қоимун масаласида бир юз учта қараш бор” дейди. Ас-Суютий: “Мен уларни билиб олмагунимча турмайман, дедим”, дейди ва уларнинг ҳаммасини ўрганиб олади.

Олимнинг асарлари орасида “ат-Тайсир фи қавоид илмит тафсир” (“Тафсир илми қоидаларида

енгилик”), “Ҳошия ала Кашшоф”, “Ҳошия ала тафсирил Байзовий”, “ал-Унмузаж фил истиора бил киноя вал истиоратит таҳйилий ва фи баёни талозумиҳимо” (“Кинояли истиора ва таҳйилий истиора ва уларнинг боғлиқлиги борасида намуна”), “Анварус саода фи шарҳ калиматайиш шаҳода” (“Икки шаҳодат калимаси шарҳига оид саодат нурлари”), “Банотул афкор фи шаънил эътибор” (“Эътибор борасида туғилган фикрлар”), “Ҳошия ала Мутаввал” (“ал-Мутаввалга ҳошия-изоҳ”), “Хулосатул ақвол фи ҳадис “Иннамол аъмол” (“Иннамол аъмол” ҳадиси борасида хулосавий сўз), “Сайфул ҳаққ ван нусра ала риқоб аҳли бағйи вал фитна” (“Боғийлар ва фитначилар бўйинларига тушадиган ҳақ ва нусрат қиличи”), “Шарҳул истиора”, “Шарҳул эъроб ан қавоидил эъроб” (“ал-Эъроб ан қавоидул эъроб” китобининг шарҳи), “Шарҳ китоб Таҳзибил мантиқ вал калом” (Саъдууддин ат-Тафтазонийнинг “Таҳзибул мантиқ вал калом” китобининг шарҳи), “Шарҳул қавоидил кубро фин наҳв” (Ибн Ҳишомнинг “ал-Қавоидул кубро” китоби шарҳи), “ал-Кофи аш-шофий” (“Кифоя қилувчи ва тўлдирувчи”) ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин [13; 185 б.]. Бундан кўриниб турибдики, унинг тафсирга оид учта ва қолган китобларининг асосий қисмини наҳв илмига оидлари ташкил қилади.

– Алоуддин Али ибн Аҳмад аш-Широзий ал-Бағдодий (788–861/1386–1457) ироқлик шофий мазҳаби фақиҳи, муфасссир, мантиқшунос, сўфий олим. Бағдодда туғилиб, шу ерда илм ўрганган. Маккада вафот этган ва Муалло қабристонида дафн этилган. Унинг “Тафсирул Қуръон”, “Илмул мураққо лилмил анқо” (“Анқо илми бўйича нозик илм”), “Тафсир ва шарҳ ала Ҳовий” (“ал-Ҳовийнинг тафсир ва шарҳи”) асарлари мавжуд [5; 353–354 б.].

– Ибн Бинт ал-Ақсароий Муҳаммад ибн Аҳмад Абус Саодат ал-Қоҳирий (790–859/1388–1455) Буржий мамлуқлар ҳукмронлиги даврида Мисрда яшаган ҳанафий фақиҳи, муҳаддис ва муфасссир олим. Унинг тафсирга оид “Ҳошия ала Кашшоф” асари бўлиб, унда Замахшарийнинг “ал-Кашшоф”ига ҳошия ёзган ҳамда унда ат-Тибий, ал-Жорбардий, ал-Қутуб, ат-Тафтазоний, Акмалуддин каби олимларнинг фикрлари ва уларнинг гапларидаги ихтилофларни жамлаган. Тафсир «Нисо» сураси охиригача етиб борган. Бундан ташқари олим “Ҳошия ала Ҳидоя” (“ал-Ҳидоянинг ҳошияси”)ни ҳам ёзган [5; 484 б.].

– Иброҳим ибн Фойд ан-Набруний ал-Моликий (796–857/1394–1453) муфассир олим. Тафсир илмини Қози Абу Абдуллоҳ ал-Қилшонийдан ўрганган. Унинг “Тафсир”, “Шарҳ Алфия ибн Молик”, “Талхис ал-Мифтоҳ” каби асарларни ёзганлиги маълум [8; 18 б.].

– Фикҳ, мантиқ, тафсир илмларида моҳир бўлган Сайид Алоуддин Али ибн Яҳё ал-Қурмоний ас-Самарқандий ал-Ҳанафий улуғ илмий мақомга етишади. Алоуддин ал-Бухорийдан таълим олган. Сўнгра тасаввуф йўлини тутиб, унда ҳам етук даражага етишган. Кейинчалик Рум диёрига келиб, Лоранда шаҳрида яшаган. Ас-Самарқандий 861/1457 йилда вафот этган [4; 77 б.].

Тафсирга оид тўрт жиллик «Баҳр ал-улул фи ат-тафсир» китобини ёзган. Лекин «Мужодала» сурасига етганда тўхтаб, такомилга етмай қолган. Олимлар ушбу асарни машҳур тафсир манбаларидан саралаб олинган, ўзида кўплаб фойдали жиҳатларни жамлаган, фасоҳатли иборалар қўлланилган, қадри баланд, шаъни улуғ китоблар жумласидан дея таъкидлайдилар. Баъзи бир манбаларда олимнинг тафсирга оид яна бир «Тафсирул Қуръон» номли асари ҳам келтирилади [14; 210-211 б.]. Бироқ бу юқорида айтиб ўтилган «Баҳр ал-улул» асарининг ўзи бўлса керак. Чунки тафсир китобларига умумий ном билан «Тафсирул Қуръон» ёки «Тафсирул Қуръонил азим» каби номларни бериш ҳоллари адабиётларда учраб туради. Шу сабаб био-библиографик тадқиқотчилар бир асарни икки ном билан кўрсатган бўлишлари ҳам мумкин.

– Мусаннифак Али ибн Муҳаммад ибн Масъуд аш-Шоҳривардий ал-Бистомий (803–875/1400–1470) араб ва форс тилларида кўплаб китоблар ёзган олим. У ёшлигидан китоб тасниф қилишни бошлаганлиги сабабли “Мусаннифак” деб номлашган, сўз охиридаги *коф* ҳарфи эса, ажамий тилда эркалаш маъносида ишлатилган. Фахруддин ар-Розий авлодларидан. Хуросонда туғилган ва Ҳиротда ўсган, сўнгра Қуния (ҳозирги Туркия)га бориб дарс берган. Истанбулга келган ва шу ерда вафот этган. Китоблари орасида “Шарҳул Мисбоҳ”, “Шарҳ Одобул баҳс”, “Ҳаллур румуз вал ҳудуд вал аҳком” (“Ишораларни очиш ва ҳудуд ҳамда ҳукмлар”) китоблари мавжуд [13; 9 б.].

– Ибн Имомул Комилия Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий (808–874/1406–1470) шофий мазҳаби фақиҳи, ашъарийлик таълимоти давомчиси, тафсир ва наҳв олими [15]. Олим умумий ҳисобда йигирма тўртта китоб ёзган. Тафсир илми

бўйича “Шарҳ Анворут танзил ва асрорут таъвил” (ал-Байзовийнинг “Анворут танзил ва асрорут таъвил”ининг шарҳи), “Мухтасар Анворут танзил ва асрорут таъвил” (“Анворут танзил ва асрорут таъвилнинг қисқартирилгани”), “Тафсир суратис Саф” (“Саф” сурасининг тафсири) каби асарлари мавжуд. Бундан ташқари, усулул фикҳ бўйича тўртта, фикҳ бўйича иккита, ҳадис бўйича тўртта, лугат, сийра ва бошқа илмлар бўйича биттадан китоб ёзган [16; 51-95 б.].

– Алоуддин Али ибн Муҳаммад Мавлоно ал-Қушчи (ал-Қушжий). Унинг отаси Амир Улуғбекнинг ходимларидан бўлиб, саройдаги қушларга қараган. Отасидан етим қолгач, Улуғбек уни ўз тарбиясига олган ва «фарзанди аржуманд» дея эъзозлаган. У бошланғич ва диний илмларни Самарқанд олимларидан, метаматика ва астрономияга оид илмларни эса, Мавлоно Қозизода ар-Румий ва Улуғбекдан ўрганган. Натижада «ўз даврининг Батлимуси» дея танилган [17; 172 б.]. «Ҳабиб ас-сияр» асари муаллифи уни Мирзо Улуғбек давридаги энг билимдон олим ва энг афзал донишмандлардан бири сифатида зикр қилади.

1449 йилда Улуғбек вафотидан кейин унинг баъзи авлодлари ва сарой аъёнлари орасидаги низолардан кейин ҳаж қилиш баҳонасида Али Қушчи Самарқанддан Табризга кўчиб ўтади. Табриз султони Амир Ҳасан уни ҳурматлаб, Рум Султони Абул Фотиҳ Муҳаммадхон II га ораларини яхшилаш учун юборади [2; 264-265 б.]. Шу тариқа олим Истамбулда астрономия илми ривожига муносиб ҳиссасини қўшган. Али Қушчи 879/1474 йилда Муҳаммадхон II даврида Константинополь шаҳрида вафот этган ҳамда Абу Аюб ал-Ансорий қабри олдида дафн этилган [4; 79 б.].

Олим тафсирга оид Тафтазонийнинг «Авоил тафсир ал-Кашшоф»ига ҳошия ёзган. Бу асар ҳажми жиҳатидан кичкина бўлиб, вафотидан бироз олдин ёзиб тугалланган. Бундан ташқари олимнинг йигирмадан зиёд асарлар таълиф этгани маълумдир.

– Бурҳонуддин Иброҳим ибн Умар Абу Бакр ал-Бақоий (809–885/1406–1480) ўз даврининг турли илмий соҳалардаги етук олимларидан бири бўлган. Олимнинг Таврот ва Инжилдан нақллар келтиргани борасида одамлар орасида турли мулоҳазалар пайдо бўлган. Ал-Бақоий бунга жавобан рисола ёзган ва ушбу икки китобдан нақллар келтириш мумкинлигини таъкидлаган. Бироқ кейинги воқеалар натижасида одамлар уни кофирликда ҳам айблаб бошлашган. Моликий мазҳабидан бўлган

қози бундай даъволар натижасида одамларнинг фойдасига, яъни қатл этишга ҳукм чиқарган, бироқ кўп ўтмай ушбу ҳукмидан қайтган [18; 509 б.].

Алломанинг тафсир илмига оид “Назмуд дурар фи таносибил ояти вас сувар” (“Оятлар ва сура-ларнинг мутаносиблиги бўйича дурларнинг тери-лиши”) номли китоб ёзади. Унда муаллиф оятлар борасида чуқур тадаббур ва тафаккур юритади, уларнинг балоғат ва фасоҳатини кенг таҳлил қила-ди, луғат жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади. Аш-Шавканий айтади: “Қуръони азизда тушуни-шим қийин бўлган жойларда узун ва қисқа тафсир-ларга мурожаат қиламан. Бироқ уларда қаноатла-надиган нарсаларни топа олмаيمان. Шунда ушбу китобни (“Назмуд дурар фи таносибил ояти вас сувар”) ўқиганимда кўпинча керакли нарсаларни топаман. Кўплаб олимлар ундан фойдаланган ва муносабат илми борасида истифода қилган”.

Бироқ тафсирда гоҳида айрим маъноларга чуқур киришиб кетиб, асл мақсаддан узоқлашиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Шунингдек, унда муно-сабат масаласида баъзи ўринларда такаллуф ҳолати ҳамда ўз даври олимлари маъқул санаган масала-ларда Таврот ва Инжилдан ҳам нақллар келтириш ҳоллари ҳам сезилади. Китобнинг қўлёзмаси сак-киз жилдада 861–875/1457–1471 йиллар оралиғида ёзилган.

Асарлари орасида “Таҳзирул ибод мин аҳлил инод бибидъатил иттиҳод” (“Қайсар бандаларни бирлашиб кетиш бидъатидан огоҳлантириш”) ва “Танбиҳул ғоби ила такфир ибн Арабий” (“Ибн Арабийни куфрга чиқаришда аҳмоққа танбеҳ”) ки-тоблари ҳам маълум ва машҳур бўлган. Маълумки, Ибн Арабий “ваҳдатул вужуд” (иттиҳод – бирлашиб кетиш) ақидасини илгари сурган ва маълум бир ки-шилар ушбу ақидани қўлаб-қувватлаганлар. Ушбу ақидага кўра, Аллоҳ таоло ҳар бир жойдаги ҳар бир нарсага сингиб кетган ва бу борлиқнинг ўзи Аллоҳ-нинг ўзи саналади ҳамда барча динлар ҳатто васа-нийлар (санампарастлар) эътиқоди ҳам дуруст де-йилади [19; 38 б.].

“Танбиҳул ғоби ила такфир ибн Арабий” ки-тобида бир қанча мавзулар, жумладан, Ибн Ара-бий ақидаси ва унинг исломга ўтказган ҳийласи⁸,

⁸ Ибн Арабий мутлак бирлик ғоясини, яъни ушбу оламдан бошқа ҳеч нарса йўқ, Илоҳ эса куллий (асосий, умумий) бў-либ, унинг вужуди фақатгина жузъийлар ичида кўринади, кейин диннинг аслини бузишга интилгани, издошларининг ҳар бири тўғри йўлда экани, азоб бўлмаслиги, бўлса ҳам у гўё неъмат ва ёқимли тарзда ўтиб кетиши каби ғояларни ил-гари сурган. Қаранг: Танбиҳул ғоби ила такфир ибн Арабий. – Б. 19.

зиндиқийлар⁹ ва ботинийлар ақидаси, ишорий тафсирлар, Ибн Арабий тафсиридан намуналар ва олимларнинг унга раддияси, Саъдулдин Тафтазо-ний, Алоуддин Бухорий каби олимларнинг эъти-розлари, Ибн Арабийнинг куфрга кетишидаги уч сабаби, Фиръавннинг ҳам имони бўлгани бораси-даги эътиқоди кабиларни айтиб ўтган. Шунингдек, китобда Валиюддин ал-Ироқий, ас-Сукутий, Ну-руддин ал-Бакрий, Абу Ҳайён ал-Андалусий, Тақи-юддин ас-Сабкий, Ибн Ҳишом ал-Ансорий, Ибн Халдун, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Шамсуддин аз-Заҳабий, ал-Балқиний, Алоуддин ал-Бухорий, Ибн ал-Жазарий каби олимларнинг Ибн Арабийни диндан чиққанлиги борасидаги ҳукмларини кел-тирган [20; 18, 19, 204 б.].

Олимнинг умумий ҳисобда 11 та асари санаб ўтилган. Ибн ал-Бақоий қарашлари туфайли кўп қийинчиликлар дуч келади. У ражаб ойининг ҳиж-рий 885 йилнинг 18-сида (милодий 1480 йил 22 сентябрда) вафот этади ва Дамашқ ташқарасида Отика қабри томонда дафн этилади [21].

– Ибн Амир Ҳажж Муҳаммад ибн Муҳам-мад ал-Ҳалабий (825–879/1422–1474) ҳанафий мазҳаби фақиҳи, усул илми олими, муфасссир. Иб-нул Муваққат номи билан ҳам танилган ушбу олим фикҳ, наҳв, сарф, илмул маони, баён, мантиқ каби фанлардан дарс берган. Ўз даврида Қоҳира, Макка шаҳарларида ҳам дарс ва фатволар берган. Унинг “Захиратул қаср фи тафсир сура вал аср” (“Вал аср сураси тафсири қисқалигидаги захира маънолар”), “ат-Таҳрир ват таҳбир” (Ибнул Ҳумомнинг усулул фикҳ бўйича “ат-Таҳрир” асарига ёзилган “Таҳрир ва сиёҳ” номли шарҳ), “Манорул баён лижомийин нусукийна бил Қуръон” (“Қуръон нусукларини жамловчи баённинг нури”) каби асарлари мавжуд [13; 49 б.].

– Ўз даврининг улуғ олимларидан илм ўрган-ган, ақлий ва нақлий илмларни пухта эгаллаб, таф-сир, ҳадис, қиёсий ҳуқуқшунослик каби кўпгина

⁹ Бошқа номи – ҳартақа. Умумий маъноси – диндан қайтган-лар. Дастлаб, буни монийлик, васанийлик, дажжолчилар, сохта пайғамбарлар, оламда икки куч – нур ва зулмат бор де-гувчиларга нисбатан қўлланилган. Кейинчалик илоҳни тан олмаганлар, аҳли бидъатлар, баъзилар эса ислом асосларини инкор қилувчиларни ҳам зиндиқ деб атаганлар. “Зиндиқ” сўзини баъзилар форс тилидаги зинда қард, яъни куфрни яширувчи маъносидан олинган дейдилар. Чунки зиндиқлар ўз куфрларини яшириб юрадилар ва имкон бўлганида уни чиқарадилар. Бироқ мунофиқларга ўхшаб ўз имонсизликла-рини яширмайдилар. Ибн Надимнинг “ал-Фихрист” кито-бига асосан, зиндиқ турларига монийлар ва ўрта асрларда яшаган айрим мутафаккирлар ҳам киритилган.

илмларда моҳир бўлган яна бир олим Алоуддин Али Мавло ат-Тусий¹⁰ дир [14; 257 б.]. Илмда камолига етгач, Рум (ҳозирги Туркия) давлатига келади ва уни султон Мурадхон ҳурматлаб, Брусдаги султон мадрасасига бош мударрис этиб тайинлайди. Муҳаммадхон ибн Мурадхон Истамбул (Константинополь)ни эгаллагач, у ерда мадраса бино этади ва унга раҳбарликни топширади.

Сўнгра Мовароуннаҳрга бориб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий хизматига киришиб, тасаввуфда юқори мақомларга эришади. Ат-Тусий Самарқанда яшаб қолиб, 887/1483 йилда шу ерда вафот этган.

Унинг тафсирга оид «Ҳавош ала ҳошия ала тафсир ал-Кашшоф» асари бўлиб, у «ал-Кашшоф»нинг ҳошиясига ҳошиядир. Шунингдек, «Шарҳ ал-мавоқиф», «Ҳавош ала ҳошия шарҳил Матоллий» каби асарлари мавжуд бўлиб, улар аксарият олимлар томонидан ижобий баҳоланган [2; 176-177 б.].

– Илёс ибн Иброҳим ас-Синубий (ваф. 891/1486) ҳанафий мазҳаби фақиҳи, мотуридийлик таълимоти олимларидан саналган турк муфассири. Туркиянинг Қора денгиз бўйидаги Синуб шаҳрида таваллуд топиб, Бруса шаҳрида дарс берган [13; 8 б.]. Китоблари орасида “Шарҳул Фикҳил акбар” (Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳул акбар” китоби шарҳи), “Ҳошия ала Шарҳил мақосид” (Тафтазонийнинг ақидага оид “Шарҳул мақосид” китобига ҳошия), “Рисола фи тафсир баъзил оят” (“Баъзи оятлар тафсири бўйича рисола”) кабилари мавжуд.

– Зайнуддин Ибнул Айний Абдурахмон ибн Абу Бакр ад-Димашқий (837–893/1433–1488) ҳанафий мазҳаби фақиҳи, адиб, наҳв илми олими. Дамашқда туғилиб, Қоҳирада илм олган, кейинчалик юртига қайтиб келиб, фатво ва таълим бериш билан машғул бўлган. Унинг йигирмага яқин асарлари, мухтасарлари, шарҳ ва ҳошиялари борлиги таъкидланади [5; 263-264 б.]. Жумладан, “Мухтасар Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил” (Абул Баракот ан-Насафийнинг “Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил” қисқартирилгани), “Ҳаллуш Шотибия” (“аш-Шотибиянинг ечими”), “Тафсирул луғатит

туркия” (“Туркий тилнинг изоҳи”), “ад-Дурратул музийя фил луғатит туркия” (“Туркий тилда ёритувчи дурдек китоб”), “Шарҳул Манор” (Абул Баракот ан-Насафийнинг усулул фикҳга оид “ал-Манор” китобининг шарҳи), “Шарҳун Ниқоя” (Садруш Шарианинг “ан-Ниқоя” асари шарҳи), “Шарҳул Жомийус саҳиҳ” (Имом Бухорийнинг “ал-Жомийус саҳиҳ” китобининг шарҳи”) ва бошқалар.

– Шиҳобуддин Аҳмад ибн Исмоил ибн Усмон ат-Табризий ал-Кавроний (813–893/1410–1488) асли курд бўлган муфассир олим. Шаҳрзурда туғилиб ўсган, кейин Мисрнинг етук олимларидан, жумладан Ибн Ҳажар ал-Асқалонийдан таълим олган. Бу ерда бир муддат дарс берган, сўнгра Туркияга борган ҳамда Бруса шаҳрида дарс берган. Жумладан, Султон Мурад ибн Усмоннинг валиаҳд ўғли Муҳаммад ал-Фотиҳга сабоқ берган. Муҳаммад ал-Фотиҳ кейинчалик ўз устозини ҳарбий қози, кейинчалик муфтий, ундан кейин Бруса қозиси этиб тайинлайди. Истанбулда вафот этган. Олим “Ғоятул Амоний фи тафсирис саъбил масоний” китобини ёзган. Китоб қўлёзмасининг бир қисми Аё София кутубхонасида сақланади. Тошкубри Зоданинг айтишича, муфассир мазкур асарда Замахшарий ва ал-Байзовийдан кўплаб мисоллар келтирган [5; 30 б.].

– Хуросонлик машҳур олим Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Нуриддин ал-Жомий милодий 1414 йил 7 ноябрь (ҳижрий 817 йил 23 шаъбон)да Жом шаҳрида туғилган. Дастлаб нақдий ва ақлий илмлар билан машғул бўлиб, улкан илмий салоҳиятга эга бўлган. Сўнгра Нақшбандия тариқати машойихлари билан ҳамсуҳбат бўлиб, улғу камолот ва фазилат даражаларига етган.

Отаси Аҳмад ҳам илм ва тақвода машҳур бўлган. У Исфаҳондан Жомга ўша даврда содир бўлган баъзи ҳодисалар сабабли кўчиб ўтган эди. Сўнгра Ҳиротга келиб, Низомия мадрасасида қолган. Жомий кичкина бўлишига қарамай, у ерда усул илмини пухта ўрганди, кейин Хожа Али ас-Самарқандий, сўнгра Тафтазонийнинг шогирди Мавлоно Шиҳобуддин Муҳаммад ҳузурида мукаммал илм олган. Маълум вақтдан кейин Самарқандга кўчиб ўтиб, диний илмлар бўйича етук олим Фазлуллоҳ Абу Лайс ва бошқа олимларга шогирд тушган. Маълумотларга қараганда, Жомий Хожа Аҳрор Валий тақлифига биноан Тошкентда ҳам бўлган [21; 65 б.].

Илмдан фориғ бўлгач, туш кўриб, тушида сени тўғри йўлга етаклайдиган ҳабиб топ, дейилади. У

¹⁰ Тус – Хуросон шаҳарларидан Табарон ёки Лукондан бири. Бу ерда “Тус” сўзидаги “т” ҳарфи юмшоқ “т”дир. Агар каттик “т” билан берилса, унда Бухоро қишлоқларидан бири бўлган Тус бўлади.

¹⁴ Қаранг: Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари комуси / З.И.Мунавваров таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 257.

бу тушдан таъсирланиб, Самарқанддан Хуросонга йўл олди. У Хожа Убайдуллоҳ ан-Нақшбандий хизматида бўлиб, унинг суҳбати баракотидан тасаввуф улуғларидан бирига айланган эди. 898/1492 йил муҳаррам ойининг 18-си жума кунда Ҳиротда вафот этган.

«Табақот ал-муфасссирин» муаллифи Жомий қаламига мансуб «ат-Тафсир фи авоилил Қуръонил азим» китоби борлигини айтади [4; 82 б.]. Дарҳақиқат, бундай китоб ЎЗР ШИ 1:№8415/2 рақами остида мавжуд. Фақат у «Тафсирут тааввуз вал Фотиҳа ват тасмия», деб номланади¹¹. Манбаларда «Фарҳабун» оятига ёзилган тафсир ҳам зикр қилинган [2; 103-106 б.]. Бундан ташқари, ЎЗР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1:№ 2702 рақами остида «Тафсирул Қуръонил карим» асари бўлиб, унинг муаллифи Абдурахмон Жомий деб қайд этилган¹². Мазкур тафсир тўлиқ тафсир ҳисобланмайди. Балки, унда «Қоф» сурасидан «Нос» сурасигача жами 66 та сура тафсир қилинган.

Олимнинг асарлари 50 дан зиёдлиги маълумотларда келтирилади [21; 66 б.]. Машҳурларидан бири «Шарҳ Мулло ал-Жомий» номи билан танилган «ал-Фавоидуз зияия шарҳул кофия» дир. Ушбу асар араб тили наҳвига оид «ал-Кофия»¹³нинг 1492 йилда ёзилган шарҳи бўлиб, у юртимиз ва бошқа ерлар диний таълим муассасаларида дасрлик сифатида ўқитилиб келинган.

– Аҳмад ибн Садақа ал-Мисрий аш-Шофий (827–905/1424–1500) ўз замонининг зийрак ва нодир олимларидан. Ҳофиз ибн Ҳажар, ал-Жалол ал-Маҳаллий, аш-Ширвоний, ибн ал-Маждий каби бир қатор олимлардан ҳадис, фикҳ, сарф, адабиёт, мантиқ, фалакиёт, ҳандаса, ҳисоб-китоб, алгебра сингари илмларни ўрганган. Ўз навбатида ундан ҳам Макка, Қоҳирадаги кўплаб шогирдлар таълим олганлар.

Асарлари орасида “Шарҳ ала ат-Табризий”, “Айнул иршод” (“Иршоднинг айни ўзи”), Иззуддин ибн Жамоанинг “ал-Варақа фи усул ал-фикҳ”нинг шарҳи, “ал-Муқаддима фил фалак” (“Фалаки-

ёт илмида муқаддима”), “ал-Кофи фил аруз” (“Аруз илмида кифоя қилувчи”), “Тафсирул мазжун алал Қуръон ал-азим” (“Қуръонга ёзилган тиниқ тафсир”) кабилар мавжуд [8; 36-37 б.].

– “Муин ал-Мискин” номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳиравий (ваф. 907/1501) ҳанафий мазҳаби фақиҳи, муфасссир. Ҳиротлик олим, Самарқандда яшаган. Отаси Шарафуддин Ҳожи Муҳаммад Фароҳий машҳур фақиҳ бўлган. Акаси Низомиддин Муҳаммад ҳам Ҳиротда қози бўлган ва 900/1494–95 санада вафот этган. Муин ал-Мискин акасининг вафотидан сўнг қозилик лавозимини эгаллаган. Лекин бир йилдан кейин қозилиқдан воз кечган. У илм ва тақво аҳлидан бўлиб, масжидда жума хутбасини ўқир, ўзининг оташин ваъзалари билан танилган эди. “Баҳр ад-дурад” номли тафсири таълиф этган. Айтилишича, ушбу асарнинг ёзилиши 35 йил давом этган экан. Унинг бизгача етиб келган қисмлари “Тафсири сурайи «Юсуф» ва “Асрорул Фотиҳа” ҳисобланади. “Тафсири сурайи Юсуф” “Юсуф” сурасининг тафсири бўлиб, “Аҳсанул қисос” ва “Қиссату Ҳазрати Юсуф” номлари билан ҳам учрайди. Иккинчи тафсири “Асрорул Фотиҳа” «Фотиҳа» сураси тафсирига бағишланган бўлиб, 15 та “мажлис” деб номланган бобларга бўлинган. Ҳар бир мажлис фасллардан иборат. Тафсир 2 та жилдда жамланган. Биринчи жилддан 10 та мажлис, 2-жилддан эса 5 та мажлис ўрин олган. Бундан ташқари фикҳ илмига оид Абул Баракот ан-Насафийнинг китобига “Шарҳ Канзул дақоик” номли шарҳ, “Равзатул воизин” (“Воизлар равзаси”), “Даҳ мажлис” (“Ўн мажлис”), “Арбаъин” (“Қирқ ҳадис”), “Тарихи Мусавий” (“Мусо пайғамбар тарихи”) каби асарлар ҳам ёзган [5; 561 б.].

– Абул Хайр Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдурроҳман ибн Муҳаммад ас-Саховий (831–902/1427–1497) тарихчи-танқидчи, ҳадис, тафсир, адабиёт олими ва шофий мазҳаби фақиҳи. Қоҳирада Сахо шаҳридан келган оилада туғилган. Илми Ибн Ҳажар ал-Асқалонийдан ўрганган. Кейинчалик Димёт, Искандария, Макка, Мадина, Байтул Мақдис, Нобилис, Дамашқ, Хумс, Ҳамоҳ, Ҳалабда ҳам илм ўрганган. Мисрга қайтиб келиб, аз-Зоҳирия, ал-Барқуқия, ал-Фозилия, Саидус суадо, Дорул ҳадис каби илмий марказларда дарс берган. Ўз даврининг етук олими бўлган ас-Саховийга Амир Яшбек ад-Доводор Султон аз-Зоҳир Хушқадам илмий мажлисида тарихни ўргатишни тавсия қилади. У буни рад этади. Сўнгра унга қозилик таклиф

¹¹ Унинг кўчирилган санаси: 1306/1888 й.; 5 варақ (19 б – 15 б.); 14х26 см; 21 йўл; арабча; настаълиқ хатида.

¹² Мазкур асар 94 варақ (94 б – 1 б.)дан иборат; 26,5х39,5 см ўлчамда; 25 йўл; арабча; настаълиқ хатида ёзилган.

¹³ «Ал-Кāфия» хоразмлик машҳур тилшунос олим Ибн Ҳожиб (1175–1249)нинг асари ҳисобланиб, у кўплаб диний таълим муассасаларида, хусусан, Мовароуннаҳр мадрасаларида араб тили наҳви бўйича дарслик сифатида ўқитилиб келинмоқда.

қилинади. Бунга ҳам узр айтади. Кейин еттинчи бор ҳаж зиёратига бориб, Мадинада қолиб кетади ва зулқаъда ойининг 13-кунида вафот этади. Унинг икки юзга яқин китоблари мавжуд [5; 39 б.].

– Ҳусайн ибн Али ал-Воиз ал-Кошифий 1440 йилда Хуросоннинг Сабзавор шаҳрига қарашли Байҳақ мавзесида туғилган. Фикҳ, калом, кимё илмларини, бир неча хорижий тилларни ўрганган. «Ҳабибус сийр» асарида астрономия илмида унинг тенги йўқлиги таъкидланган. Ҳиротда ваъз билан шуғуллангани учун «ал-Воиз» дея номланган.

Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” асарининг тўртинчи мажлисида: “Мавлоно Ҳусайн Воиз “Кошифий” тахаллус қилур, Савзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқе бўлубтур. Он фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида муттайин ва машхур ишлари бор...” [22; 67 б.] деб юксак баҳолаган.

Илмнинг турли соҳаларига доир икки юздан ортиқ асар ёзган. Олимнинг «Тафсирул Кошифий» номи билан машхур бўлган «Мавоҳиб-и Алия» («Али(шер Навоий)га тухфалар») асари Қуръони каримнинг ўттиз порасига ёзилган форсий тафсир саналади. Тадқиқотчи Ҳ.Лутфиллаевнинг таъкидлашича, мазкур тафсирнинг ёзилишига Алишер Навоий ташаббускор ва ёрдамчи бўлган [23; 11 б.]. “Мавоҳиб-и Алия” тафсирини ёзишда турли даврларда ёзилган етмишдан ортиқ манбаларга мурожаат қилган. Улар орасида биринчи навбатда тафсирлар туради. Булардан: Имом Бағавийнинг (ваф. 516/1122–1123) “Маолимут танзил”, Рашидиддин ал-Яздийнинг (ваф. 530/1135–36) “Кашфул асрор”, Замахшарийнинг (ваф. 539/1144) “Кашшоф ан ҳақоик ва буюнил ақовил фи вужуҳит таъвил”, Фахриддин Розийнинг (ваф. 605/1209) “Мафотихул ғайб”, Абу Наср Бақлий Шерозийнинг (ваф. 606/1209–1210) “Ароисул баён фи ҳақоикил Қуръон”, Нажмуддин Асадийнинг “Баҳрул ҳақоик”, Қуртубийнинг (ваф. 671/1272–1273) “Жомеъул аҳкомил Қуръон”, Абул Барокат Насафийнинг (ваф. 701/1301) “Мадорикут танзил ва маолимут таъвил”, Шайх Кошонийнинг (ваф. 731/1329–1330) “Таъвилот Кошоний”, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан Тусийнинг “Тибён”, Имом Андҳудийнинг “Янобиъ ат-тафсир” каби тафсирлари шулар жумласидандир. Исмоил Ҳаққий Бурсавийнинг “Рухул баён”, Ҳасан Заворийнинг “Таржимаи хос”, Мулла

Фатҳулла Кошонийнинг “Манҳажус содиқин” тафсирларида эса, “Мавоҳиб-и Алия”дан фойдаланишган. Кошифийнинг “Жавоҳирут тафсир” номи тафсири «Фотиҳа», «Бақара», «Оли Имрон» ва «Нисо» сураларининг тафсирини ўз ичига олади. Асарнинг тўлиқ номи “Жавоҳирут тафсир ли тухфатил амир”дир.

Кошифийнинг яна тафсирга оид «Жавоҳирут тафсир» асари ҳам бўлиб, у форс тилида битилган ва у ҳам Мир Алишер Навоийга тухфа қилинган. Ушбу тафсирларнинг бир неча қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Ушбу тафсир «Тафсир-и Заҳравайн», яъни «Бақара» ва «Оли Имрон» сураларига ёзилган тафсир деб ҳам номланади. Мазкур тафсирда оятлар кенгроқ шарҳланган бўлиб, у «Тафсирул Кошифий»дан олдин ёзилган.

Ҳожи Халифа ва Абдулҳай ал-Лакнавий Кошифийнинг вафот санаси ва жойини 910/1505 йил Ҳирот шаҳри деб беради. «Табақот ал-муфасссин»да эса, олимнинг вафоти 903/1497 йил [8; 83 б.], дейилган. Унинг Фахриддин Али исмли ўғли бўлиб, у Ҳиротда яшаб, ваъз ва камолотда отасининг ўрнини босган.

Юқорида келтирилган ўттиздан зиёд муфасссирлар орасида Испаниядан тортиб, Ҳиндистонга, Туркиядан Ямангача бўлган ҳудудлардаги араб ва ажам муфасссир олимларининг таржимаи ҳоллари ва илмий фаолиятлари таҳлил қилинди. Табиий равишда Амир Темурдан кейинги даврларда Ҳиндистон ва Туркияда улкан мусулмон давлатларининг ташкил топиши натижасида ушбу жойларда ҳам ислом илмларининг ривожини кузатиш мумкин. Тафсир илми борасида гапирганда, бир нечта ўнлаб жилдлик тафсир китоблари ёзилиши баробарида олдинги мўътабар тафсирларга шарҳ, ҳошиялар битилганини ҳам кузатиш мумкин. Бу ўз навбатида бир томондан маълум маънода янги илмий ютуқлар бўлганидан далолат берса, иккинчи томондан олдингидай салмоқли тафсир ўрнини шарҳ ва ҳошиялар эгаллай бошлаганини кўрсатади. Табиий равишда бунга ички ва ташқи омилларнинг ўз таъсири борлигини таъкидлаш керак. Ушбу муфасссирларнинг ўнга яқини Мовароуннаҳр билан боғлиқ бўлса, йигирмага яқини ҳанафий мазҳаби вакиллари саналади. Демак, ушбу пайтда Мовароуннаҳрда ҳам тафсир илми тараққий этган.

Бир сўз билан айтганда, тафсир илми бир жойда қотиб қолмади, балки у янги йўналишлар, улкан

ҳажмлаи асарлар билан бойида. Эндиликда китоблар ёзиш маълум бир ҳудудлар билан ҳам чекланиб қолмай, балки қаерда мусулмон давлати кучайса, ўша ерда илм-фаннинг ҳам тараққиётини кузатиш мумкин. Шу билан бирга ҳошия-изоҳларнинг ёзилгани тафсиршунослик даврида изоҳлар билан чекланишлар бўлаганидан дарак беради. Ҳошия-изоҳларнинг вужудга келиши ҳам китоб ёзилишида янги бир илмий йўналиш пайдо бўлаганидан далолат беради.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Fazlur Rahman. Uzbekistan's contribution to Islamic civilization // «O'zbekistonning islom sivilizatsiyasi rivojiga qo'shgan hissasi» nomli xalqaro konferensiya ma'ruza va tabriklar tezislari to'plami. Toshkent-Samarqand: Imom Buxoriy respublika ilmiy-ma'rifiy markazi, 2007.
2. Abdulhay al-Laknaviy. Al-Favoid al-bahiya fi tarojim al-hanafiya. Qozon: al-Xizona bosmaxonasi, 1903.
3. Hofiz Tanish al-Buxoriy. Abdullanoma ("Sharofnomayi shohiy"). Ikkinchi kitob; Fors tilidan S.Mirzayev va Yu.Hakimjonov tarj.; Izohlar muallifi: B.Ahmedov. - T.: "Sharq", 2000.
4. Ahmad al-Adnaviy. Tabaqotul mufasssirin / Sulaymon ibn Solih al-Xaziy. Al-Madina al-munavvara, 1997.
5. Odil Nuvayhiz. Mo'jamul mufasssirin min sadril islam hattal asril hozir. Uchinchi nashr. - Bayrut: Muassasatu Nuvayhizis saqofiya lit ta'lif vat tarjima van nashr. 1-jild. - B. 78.
6. https://ar.wikipedia.org/wiki/ابن_السكاك_المكناسي
7. https://ar.wikipedia.org/wiki/ابن_مرزوق_الحفيد
8. Shamsuddin ad-Dovudiy. Tabaqotul mufasssirin. - Bayrut: Dorul kutubil ilmiya, 2002.
9. Faxruddin Ali Safiy. "Rashahot aynul hayot", Toshkent, 2003.
10. Usmonov I., Saidova G. Ya'qub Charxiyning hayoti va ilmiy merosi hamda uning «Tafsiri Charxiy» asarining turkiy tarjimasi / Toshkent islom universiteti ilmiy-tahliliy axboroti. - T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2010. № 3.
11. Ya'qub Charxiy. "Tafsiri Charxiy", O'zR FA SHI xazinasi, Inv. N 12518.
12. https://ar.wikipedia.org/wiki/نظام_الدين_النيسابوري
13. Xayruddin az-Zirikliy. Al-A'lom. - Bayrut: Dorul ulum lil mulloiyin. 6-juz. - B. 150.; As-Suyuti. Husnul munozara. 1-juz.
14. Abdulloh Abdulhamid Saad. O'rta Osiyo olimlari qomusi / Z.I.Munavvarov tahriri ostida. - T.: Imom Buxoriy respublika ilmiy-ma'rifiy markazi nashriyoti, 2007.
15. https://ar.wikipedia.org/wiki/ابن_إمام_الكاملية_1-5
16. Ibn Imomul Komiliya. Taysirul vusul ila minhojil usul minal manquli val ma'qul / Tahqiq: Abdulfattoh Ahmad Qutb ad-Daxmisiy. Al-Foruqul hadisiya lit tiboa van nashr. 1-juz.
17. O'zbekiston xalqlari tarixi / A.Asqarov tahriri ostida. - T.: «Fan» nashriyoti, 1992.
18. Ibn al-Imod al-Hanbaliy. Shazarotuz zahab / Tahrir: Mahmud al-Arnout. Dor Ibn Kasir, 1986. 9-jild. - B. 509.
19. Ash-Shavkoniy. As-Savorimul haddodul qotia liarbobit ittihad / Tahrir: Muhammad al-Halloq. Dorul hijra. Birinchi nashr, 1991.
20. Burhonuddin al-Baqoiy. Tanbihul g'abiy ila takfir Ibn Arabiy / Tahrir: Abdurrohman al-Vakil. Dorul Boz (yili ko'rsatilmagan).
21. https://ar.wikipedia.org/wiki/برهان_الدين_البقاعي
22. Alisher Navoiy. Majolisun nafois. - B. 67.
23. Lutfillayev X. Husayn Voiz Koshifiyning "Mavohibi Aliyya" asari Markaziy Osiyo xalqlari ma'naviy hayotiga doir muhim manba: tar.fan.nomz. ... dissert. avtoref. - T.: «al-Faba-servis», 2011.

